

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг кайфияти (19-дарс)

05:00 / 09.01.2017 3547

34-Матн:

Сўнгра маъсур дуолар ила дуо қилардилар.

34-Матннинг далиллари:

يَلِصُّ هَلَالًا لَوْ سَرْنَا : هَتْرِبْخْ أَمْ لَسْ وَ هَيْلَعْ هَلَالًا يَلِصُّ يَنْبِيَّ لَاجِزَةً شَائِعًا نَع-١
ذُوعًا وَ رَبِّ قَلْبِ أَدْعِ نَمَّ كَبَّ ذُوعًا يَنْبِيَّ مَهَلَّلًا (هَالِصُّ لَإِيْفٍ وَعَدِي نَاكَمْ لَسْ وَ هَيْلَعْ هَلَالًا
مَهَلَّلًا تَامَمَلًا نَتَفَوَّيْ حَمَلًا نَتَفَنَمَّ كَبَّ ذُوعًا لَاجِدَلًا حَيْسَمَلًا نَتَفَنَمَّ كَبَّ
مَرْغَمَلًا وَ مَثْمَلًا نَمَّ كَبَّ ذُوعًا يَنْبِيَّ

1. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжалари Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозда: **“Аллоҳумма инни аузу бика мин азаабил қобри ва аузу бика мин фитнатил масиҳид дажжаал ва аузу бика мин фитнатил маҳя ва фитнатил мамаат, Аллоҳумма инни аузу бика минал маъсами вал мағром”**, дея дуо қилар эдилар”. Бухорий ривояти 1/115.

أَعْدَلْنَا نَمَّ مُمْكُذَحًا رَّيَّخَتَيْ لَمْ تُثُ «: رُوخًا يَفَوْهَانَ مَضْعَبَ بُرْكَ دَفَّ، هَلَالًا ذُبَعًا نَع-٢
يُرَاخُ بَلْ أَوْرَ». «: هَبَّ وَغَدَيْفَ هَيْلَعًا لَإِيْفٍ أَعْدَلْنَا

2. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиснинг охирида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: **“Сўнгра дуодан ўзига ёққанини танлаб, ўша дуони қилсин”**. Бухорий ривояти 1/115.

Бу ўриндаги дуолардан мурод ҳадисларда ёки Қуръон оятларида келган ёҳуд шуларга ўхшаган дуолардир.

رَمَعًا وَرُكْبًا وَأَوْ مَلَسَ وَهَيْلَعًا هَلَالًا يَلِصُّ يَنْبِيَّ لَاجِزَةً شَائِعًا نَع-٣
هَلَالًا يَلِصُّ يَنْبِيَّ لَاجِزَةً شَائِعًا هَلَالًا يَلِصُّ يَنْبِيَّ لَاجِزَةً شَائِعًا نَع-٣
هَلَالًا يَلِصُّ يَنْبِيَّ لَاجِزَةً شَائِعًا هَلَالًا يَلِصُّ يَنْبِيَّ لَاجِزَةً شَائِعًا نَع-٣
هَلَالًا يَلِصُّ يَنْبِيَّ لَاجِزَةً شَائِعًا هَلَالًا يَلِصُّ يَنْبِيَّ لَاجِزَةً شَائِعًا نَع-٣

3. Абдуллоҳ (ибн Масъуд) розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Намоз ўқиётган эдим. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам, Абу Бакр ва Умар бирга

эдилар. Ўтиргач Аллоҳ таолога сано айтиш (яъни ташаххуд) билан бошладим. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот, сўнгра ўзим учун дуо қилдим. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “**Сўра, сўраганинг берилади, сўра, сўраганинг берилади**”, дедилар”. Термизий ривоят қилган ва саҳиҳ деган. “Тайсирул вусул” 55-саҳифа.

مـ لـ سـ وـ هـ يـ لـ عـ لـ لـ لـ يـ لـ لـ لـ لـ عـ لـ لـ صـ يـ لـ صـ يـ مـ ثـ لـ جـ رـ لـ اـ دـ هـ شـ تـ يـ :ـ لـ لـ اـ دـ بـ عـ لـ اـ قـ ۶ـ
سـ فـ نـ لـ وـ عـ دـ يـ مـ ثـ

4. Абдуллоҳ (ибн Масъуд) розияллоҳу анҳу айтади: “Киши ташаххудни ўқийди. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтади. Сўнгра ўзи учун дуо қилади”. Ҳоким кучли санад билан ривоят қилган. “Фатҳул Борий” 11/140.

35-Матн:

Қуръони Карим лафзларига ўхшаш лафзлар билан дуо қилардилар.

35-Матннинг далиллари:

Қуръони каримда келган “**Роббанаа аатинаа фид дуня ҳасанатав ва фил аахироти ҳасанатав ва қинаа азаабан нар, Роббанаа лаа тузиг қулуубанаа баъда из ҳадайтанаа ва ҳабланаа милладунка роҳматан иннака антал Ваҳҳааб**”, каби дуоларни қилиш мумкин. Булардан дуо қасд қилинганда уларни оят дейилмайди ва уларни ҳайз-нифосли ҳамда жанобатли кишилар ҳам дуо мақсадида ўқишлари мумкин.

36-Матн:

Одамларнинг каломларига ўхшаш калом билан дуо қилмас эдилар.

36-Матннинг далиллари:

هـ يـ لـ عـ لـ لـ لـ يـ لـ لـ لـ لـ عـ لـ لـ صـ يـ لـ صـ يـ مـ ثـ لـ جـ رـ لـ اـ دـ هـ شـ تـ يـ :ـ لـ لـ اـ دـ بـ عـ لـ اـ قـ ۶ـ
و ح ي ب س ت ل ل و ه ا م ن ا ن ل ل م ا ل ك ن م ا ي ش ا ه ي ف ح ل ص ي ا ل ة ا ل ص ل ل ه ذ ه ن ا م ل س و
ن ا ر ق ل ل ا ة ا ر ق و ر ي ب ك ت ل ل

1. Муовия ибн Ҳакам Суллайий розияллоҳу анҳу ривоят қилган узун ҳадисда жумладан шундай дейди: “Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “**Албатта бу намозда инсон сўзидан бирор нарса бўлиши дуруст эмас. Албатта бу тасбиҳ, такбир ва Қуръон қироатидир**”, дедилар. Муслим ривояти. 1/202.

Демак намоздаги дуолар тасбиҳ, такбир ва қироат қабилида бўлиши лозим. Ҳадиснинг далолатига кўра намозда: “Аллоҳим, мени кийинтир, Аллоҳим мен Фалончи аёлга уйланай” каби инсон сўзи билан дуо қилиш жоиз бўлмайди.

→**Эътироз:**

Имом Термизийдан бошқа беш муҳаддис ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Сўнгра дуодан ўзига ёққанини танлаб, ўша дуони қилсин”**, дедилар. Бухорий ривояти 1/115. Бу ҳадисга кўра киши намозда ўзи хоҳлаган дунё ва охиратга тегишли дуоларни қилиши мумкин.

Бу эътирозга қуйидаги жавобни берамиз:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда: **“Албатта бу намозда инсон сўздан бирор нарса бўлиши дуруст эмас”**, дедилар. Бу ҳадис эътироздаги ҳадисга қарши келиб қолди. Имом Бухорийнинг ҳадиси мубоҳликка далолат қилмоқда, Имом Муслимнинг ҳадиси эса инсон сўзи билан дуо қилишни ман этмоқда. Мубоҳ қилувчи ва ман этувчи ҳадис бир-бирига рўбарў келиб қолса, усулга кўра ман қилувчи олдинга сурилади. Демак бу мавзуда Имом Муслим ривоят қилган ҳадис амал учун эҳтиётлироқдир.